KLINIK LABORATOR DIAGNOSTIKADA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH, MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

18 aprel 2023 yil

O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi

www.ssv.uz

Toshkent tibbiyot akademiyasi www.tma.uz

Created with Icecream PDF Editor.
Icecream PDF Editor PRO

Нишонов А.А., Нуриддинова Н.Ф. Лаборатория тадқиқотларининг замонавий имкониятлари …….	**114**
Нишонов А.А., Нуриддинова Н.Ф. Covid-19 да намуналар олиш ва диагностик таҳлиллар ўтказиш ……..	**115**
Нуриддинова Н.Ф. Сурункали жигар касалликларида тромбоцитлардаги ўзгаришлар ……	**117**
Нуриддинова Н.Ф., Нариманова Г.А. Клиник лабораториялар учун автоматлаштирилган тизимларнинг аҳамияти ……..	**119**
Олимова М.М., Бахтиярова А.М. Клиник лаборатор диагностикада янги технологиялар ……...	**121**
Омонов А.А., Мухамедова Н.Х., Мустафақулов Ж.Р., Бауетдинова Г.Д. Каламушларда қандли диабетнинг аллоксан моделини ўрганиш	**122**
Омонова З.Б., Мусаев С.М., Мусаева Ю.А. Клинико-прогностическая оценка содержания некоторых параметров цитокинового статуса в остром периоде ишемических инсультов ……...	**125**
Полванхонов С.Н., Имамов Э.З., Абсалямова И.И. Возможности гематологического анализатора	**126**
Рахимбаева Г.С., Маллаев Ф.С. Роль атерокальциноза в развитии атеротромботического подтипа ишемического инсульта. Менеджмент лечебной тактики. ……...	**127**
Рахматов А.М., Жаббаров О.О., Мирзаева Г.П., Жуманазаров С.Б. Оценка поражения желудочно-кишечного тракта у больных хбп iii-iv стадии и их пути коррекции ……	**129**
Умурзакова Р.З., Рустамова З.З., Корабоева Ф.А. Раннее выявление железодефицитной анемии у женщин детородного возраста ……...	**131**
Сайфутдинова З.А., Муҳаммадиев Ҳ.Ғ., Хашимова Г.Й, Юсупов Б.Н. Экспериментал токсик гепатитда эндоген интоксикация омиллари	**134**
Саматова Л.Д., Саидов А.Б., Бобожонова Ш.Д., Кучкарова Х.Р. Частота встречаемости торч-инфекции среди донорской популяции в Республиканском Центре Переливания Крови ……...	**136**
Собирова Д.С., Рахимбаева Г.С., Ким И.Г. Современные технологии диагностики структурной эпилепсии при церебро-васкулярной патологии ……	**138**
Собирова М.Р., Мухамедова Н.Х. Диагностические маркеров почечного повреждения проксимальных канальцев у женщин с мс в постменопаузальном периоде. ……..	**140**

Icecream PDF Editor.

4. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Оценка эффективности антиагрегантной терапии при коронавирусной инфекции // Pedagogical sciences and teaching methods. -2022. - №17. –С. 120-122.

5. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А., Муминов О.А. Лабораторный мониторинг патологии коагуляционного гемостаза у больных COVID-19 // Назарий ва клиник тиббиёт. – 2021. №5. – С. 149-151.

6. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. и др. Характеристика функции тромбоцитов при COVID-19 // Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси. – 2021. -№1. – Б. 34-36.

7. Курбонова З.Ч., Муминов О.А. COVID-19 этиологияси ва патогенези тўғрисидаги замонавий талқин // Назарий ва клиник тиббиёт. – 2021. - №5. – Б. 84-86.

8. Курбонова З.Ч., Муминов О.А. Коронавирус инфекцияси клиник хусусиятлари // Назарий ва клиник тиббиёт. – 2022. - №5. – С. 87-89.

9. Babadzhanova Sh.A. Kurbonova Z.Ch. Pathology Of Vascular-Platelet And Coagulation Hemostasis In Coronavirus Infection (Literature Review) // Eurasian Medical Research Periodical. – 2022. - №14. – С. 149-156.

10. Kurbonova Z.Ch., Xo’shboqova G.O’. Alimova U.O. Covid-19 bo'lgan bemorlarda qon korsatkichlari // Toshkent tibbiyot akademiyasi axborotnomasi. – 2021. - №1. – B. 31-34.

СУРУНКАЛИ ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИДА ТРОМБОЦИТЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Нуриддинова Н.Ф.
Тошкент тиббиёт академияси

Сурункали диффуз жигар касалликлари замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланиб, ошқозон-ичак касалликлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бутун дунё бўйлаб сурункали гепатит ва жигар циррози билан касалланиш ўсиб бормоқда. Ўтган ўн йиллар давомида, жигар циррози билан касалланиш барқарор юқори бўлиб қолмоқда ва ихтисослаштирилган шифохоналарда сурункали диффуз жигар касалликлари билан касалланганлар, беморлар умумий сонининг 30% ини ташкил этади. Касалланиш оқибатлари ҳар бир беморнинг узоқ вақт меҳнатга лаёқатсизлигини, ногиронлик ва ўлим даражасини ошишига олиб келади. Жигар циррозида ўлимнинг асосий сабаблари жигар комаси (40-60%) ва ошқозон ичак тизимнинг юқори қисмларидан қон кетиши (20-40%) ҳисобланади. Жигар саратони, интеркурент инфекциялар ва гепаторенал синдром деярли кам учрайди. Ушбу патологияни ўз вақтида аниқлаш бундай беморларнинг ҳаёт давомийлигини сезиларли даражада ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот мақсади: вирус этиологияли сурункали жигар касалликларида беморларнинг умумий қон таҳлилидаги тромбоцитлар ўзгаришларни аниқлаш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари: тадқиқот учун клиник материл 2022-йил давомида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли

Created with Icecream PDF Editor. PRO

клиникасининг гепатобилиар бўлимида даволанган 50 нафар сурункали гепатит С ва жигар циррози билан касалланган, антивирус терапия қабул қилган беморлар умумий қон таҳлилидаги маълумотларидан олинди. Беморларнинг ёши 33-76 ёш бўлиб, ўртача ёш кўрсаткичи 57.5 ёшни ташкил этади. Касалликнинг турига кўра беморлар 2 та гуруҳга ажратилди: I гуруҳ яъни сурункали гепатит билан касалланган 25 та бемор ва II гуруҳ жигар циррози бўлган 25 та бемор.Тадқиқотда умумий қон таҳлилидаги тромбоцитлар сони маълумотлари ўрганилди.

Натижалар.

Беморларда тромбоцитлар сони ўрганиб чиқилганда тромбоцитлар сони жигар сурункали касаллиги бўлган беморларда ўртача 200 ± 26 $x10^9$ г/л ни ташкил этган бўлса , жигар циррози билан оғриган беморларда умумий тромбоцитлар сони ўртача 96 ± 19 $x10^9$ г/л ни ташкил этди.Антивирус терапия қабул қилишнинг 3-ойида жигар циррози бўлган беморлар ва сурункали жигар касалликлари бўлган беморлар тромбоцитлар сони ошган. Терапиянинг 6-ойида ҳар иккаласидаям умумий тромбоцитлар сони камайди.

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки жигар зарарланишларида тромбоцитопения ривожланади. Сурункали гепатитларда антивирус терапиясидан кейин тромбоцитлар сони нормага яқинлашса,жигар циррози бўлган беморлада терапиядан кейин нормадан паст бўлса ҳам терапиядан олдинги натижалардан анча ортганини кўриш мумкин бўлади.

Адабиётлар.

1. Бабаджанова Ш.А. Курбонова З.Ч. Изучение агрегационной функции тромбоцитов у больных с циррозами печени вирусной этиологии // Сборник материалов III международного молодежного научно-практического форума «Медицина будущего от разработки до внедрения». – Оренбург, 2019. - С 482.

2. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Нарушение системы гемостаза при хронических диффузных заболеваниях печени: монография. Тошкент, "Ҳилол нашр" босмахонаси, 2021. С. 106-108.

3. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Функциональная характеристика тромбоцитов у больных циррозами печени вирусной этиологии // Российская наука в современном мире. – Москва, 2019. – С. 47-48.

4. Курбонова З.Ч. Нарушение сосудисто–тромбоцитарного звена гемостаза у больных с хроническими гепатитами и циррозом печени вирусной этиологии // Журнал проблемы биологии и медицины. – 2018. - № 3 (102). – С. 40-43.

5. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А., Тожибоева Д.А. Характеристика адгезивной и агрегационной функции тромбоцитов у больных с циррозом печени вирусной этиологии // Қон тизимли касалликларида юқори технологияли ташхис ва даволаш усулларининг қўлланиши. – 2018. -№37. – С. 19-21.

6. Саидов А.Б., Курбонова З.Ч., Сайфутдинова З.А., Шомансурова Г.Е. Қон компонентларида биохимик кўрсаткичлар лаборатор ташхиси // Замонавий клиник лаборатор ташхиси долзарб муаммолари. – 2022. – Б. 158-159.

7. Курбонова З. Ч. Сравнительный анализ гематологических показателей у больных с циррозом печени В И С вирусной этиологии //«Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини мухофаза қилиш сохасидаги ютуқлари, муаммолари ва истиқболлари» тезислар тўплами, 2017. - Б. 37.

Icecream PDF Editor.

8. Бабаджанова Ш.А. Курбонова З.Ч. Сравнительная эффективность препаратов Аденозина и АТФ при лечении приобретенной тромбоцитопатии // Сборник материалов III международного молодежного научно-практического форума «Медицина будущего от разработки до внедрения. Оренбург, 2019. – С. 483.

9. Kurbonova Z.Ch., Madrahimov A.L., Tashboev A.S. Characteristics syndrome cytopenia in patients with liver cirrhosis of viral etiology B and C //Ёш олимлар кунлари. –2015. –В. 192-193.

10. Kurbonova Z.Ch.; Sayfutdinova Z.A.; Xashimova G.T.; Muhammadiev X.G. Comparative analysis of the effectiveness of using some parameters of endogenous intoxication on the course of experimental toxic hepatitis. Using innovative technologies in improving the efficiency of education: problems and solution. Batumi, Georgia, 2022. P. 114-116.

КЛИНИК ЛАБОРАТОРИЯЛАР УЧУН АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Нуриддинова Н.Ф., Нариманова Г.А.
Тошкент тиббиёт академияси

Ҳозирги кунда юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, соғлом турмуш ва меҳнат шароитини яратиш, узоқ умр кўришни таъминлашга қаратилган кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли саломатлигини сақлашда айниқса клиник лабораторияларнинг аҳамияти каттадир. Тиббий ёки клиник лаборатория касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш учун беморнинг биологик намуналарининг лаборатор таҳлиллари ўтказиладиган лабораториядир. Клиник диагностик лабораториялар барча тиббиёт муассасаларда мавжуд.

Ҳозирги XXI ахборот технологиялари асрида, бошқа кўплаб соҳаларда бўлгани каби, тиббиёт соҳасида ҳам замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Бунга нанотехнологиядан фойдаланиш орқали янги диагностик ва даволаш усулларининг ишлаб чиқилиши ёрқин мисол бўла олади. Компьютер қўрилмалари лаборатор анализаторларда олинган натижаларни таҳлил қилишдан тортиб, янги дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини аниқлашгача бўлган барча соҳада қўлланилади.

Замонавий диагностик лабораторияларда анализаторлар минглаб турли хил таҳлилларни бажаради. Олинган натижалар лаборатор информацион тизимда саралаш ва статистик таҳлил қилиш имкониятини янада кенгайтиради.

Қон намуналарини олиш ва натижаларни таҳлил қилиш тиббий лабораторияларнинг энг муҳим вазифасидан бўлиб, асосан автоматлаштирилган анализаторлардан фойдаланиш яхши самара беради. бунда оқсиллар, аминокислоталар, углеводлар ва бошқа кўплаб моддаларнинг миқдорини текшириш мумкин. Олинган натижалар замонавий

Icecream PDF Editor.